

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида
УЎК: 81'276.6:796[=133.1/=512.133]**

БОБОКАЛОНОВ ОДИЛШОҲ ОСТОНОВИЧ

**ФРАНЦУЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ ШИФОБАХШ ЎСИМЛИКЛАР
ТЕРМИНОСИСТЕМАСИНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ВА
ЛИНГВОКОГНИТИВ ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ

**Илмий раҳбар: Жўраева Малоҳат Муҳаммадовна
филология фанлари доктори, профессор**

Бухоро – 2022

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. ШИФОБАХШ ЎСИМЛИКЛАР ТЕРМИНОЛОГИЯСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ ВА ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	13
1.1. Терминология ва термин тушунчалари, шифобахш ўсимликлар терминосистемасининг тарихий-маданий илдизлари ҳамда тараққиёт босқичлари	13
1.2. Жаҳон тилшунослиги манзарасида шифобахш ўсимлик терминологиясининг миллий-лисоний аспектлари	25
1.3. Шифобахш ўсимлик номларининг назарий, қиёсий-типологик, мотивацион-номинатив хусусиятлари	35
I боб бўйича хулоса	47
II БОБ. ФРАНЦУЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ШИФОБАХШ ЎСИМЛИК АТАМАЛАРИНИНГ ТАВСИФИ	49
2.1. Шифобахш ўсимлик атамалари француз ва ўзбек тили луғавий қатламининг лисоний бирлиги сифатида	49
2.2. Шифобахш ўсимлик лисоний бирликларининг этимологик жиҳатлари хусусида.....	63
2.3. Шифобахш ўсимлик лисоний бирликларининг лексик-семантик турдош қатлами	79
II боб бўйича хулоса.....	92
III БОБ. ШИФОБАХШ ЎСИМЛИК НОМЛАРИНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ВА ЛИНГВОКОГНИТИВ ТАҲЛИЛИ	95
3.1. Қиёсланаётган тилларда шифобахш ўсимлик номларининг концептуал жиҳатлари.....	95
3.2. Лингвомаданий қатламда шифобахш ўсимлик номларидаги рангин рамзлар талқини.....	109
3.3. Ўсимлик номлари билан боғлиқ дори–дармонлар, миф ва эътиқоднинг вербаллашуви.....	120
III боб бўйича хулоса	136
ХУЛОСА	138
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	141
Шартли белгилар ва атамалар рўйхати.....	155
Шифобахш ўсимлик номлари луғати.....	169
Иловалар.....	196

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида тиллараро муносабатлар, уларнинг бир-бирига таъсирини комплекс ҳолда тадқиқ этиш бир неча асрлардан буён энг долзарб тадқиқотлар сирасига киради. Барча тиллар қатори француз ва ўзбек тилларида ҳам турли хил ўсимлик номлари шаклланган бўлиб, улар асрлар давомида шу миллат халқларининг оғзаки ва ёзма адабиётида муҳим ўрин эгаллаб келмоқда. Уларда ҳар иккала халқнинг тарихий кечмиши, ўзига хос анъаналари, урф-одатлари, характер-хусусияти, эътиқодий ва ахлоқий карашлари ўз ифодасини топгани кўзга ташланади. Айниқса, терминларнинг тиллараро чоғиштириб ўрганилиши, уларнинг деривацион жиҳатлари таҳлили каби масалалар юзасидаги тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этади.

Дунё тилшунослигида шифобахш ўсимликлар (қисқ.: ШЎ) терминологиясининг лингвомаданий ва лингвокогнитив тадқиқи турли тиллар миқёсида ўрганилган ва бу йўналишда самарали натижаларга эришилган. Француз ва ўзбек оғзаки ҳамда ёзма нутқидаги фитонимлар, улар асосида шаклланган фармакофитоним ёки шифонемаларни қиёсий ўрганиш, таҳлил этиш, таснифлаш асосида улар орасидаги мутаносиблик ва тафовутларни аниқлаш жуда муҳимдир. Бироқ тадқиқ объекти сифатида танланган мавзу доирасида, жумладан, француз ва ўзбек тиллари қиёсий-чоғиштирама аспектида тадқиқот амалга оширилмаган ва бу эса ўз ўрнида лисоний ҳодисаларни янги илмий парадигма қонуниятлари доирасида лингвомаданий алоқадорликда ўрганиш заруратини кучайтиради.

Мамлакатимизнинг миллий тараққиёт босқичида умумжаҳон ҳамжамиятига интеграллашуви ўзбек тилшунослигида ҳам муҳим ислоҳотларни тақозо этиб, дунё филологик платформасида юқори мавқе эгаллаган инглиз адабиётшунослиги концепциясини терминология чегарасида ўрганишга бўлган эътиборни янада кучайтирди. «... Жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ва ўзбек адабиётининг энг

яхши асарларини чет тилларига таржима қилиш чора-тадбирлари дастури»¹ тилшунослик ва адабиётшунослик кесимида илмий изланишлар сифати ва кўламини кўтариш каби устувор стратегик вазифани белгилаб берди. Шу маънода ШЎ терминологиясининг лингвокогнитив, миллий-маданий асослари француз ва ўзбек тиллари доирасида ёритиш миллий терминосистема соҳасини назарий қарашлар, ечимлар билан бойитишга кенг йўл очади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 апрелдаги ПҚ-4670-сон “Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги², 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ-4668-сонли “Ўзбекистон Республикасида халқ таъбиқатини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тиббий терминологиянинг тараққиёт босқичлари, миллий ўзига хослиги, ШЎларнинг таснифи ва тавсифи каби масалалар тадқиқи борасида жаҳон ва ўзбек тилшунос

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги фармойиши.//Халқ сўзи, 2017 йил 13 январь. -№9 (6703).

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ-4670-сонли “Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. // Халқ сўзи газетаси, 2020 йил 11 апрель. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.04.2020 й., 07/20/4670/0414-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 08.10.2021 й., 06/21/6320/0940-сон.

олимларининг ўрни бениҳоя катта. Европа тиллари доирасида ШЎ терминологияси бўйича бир қатор қиёсий ва чоғиштира тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, У.Куотричи, Л.Ньютон, У.Эггли, Д.Гледхил, Т.Барышникова, Е.Булах, К.Гафарова, Т.Цой, Б.Хазбулатов, Л.Заксор, Л.Галаева, Ю.Исаев³ инглиз, француз, немис, рус, тожик, чечен ва ингуш тилларидаги ШЎ дунёсини ўрганишган.

Француз тилшунослигида Б.де Фукольт, Э.Вилайлек, К.де Вероник, А.Домингюэ, С.Сигнорини, Ж.Шабриэ, Р.Лэ Муангнинг ишларида ушбу терминотизим умумий планда тадқиқ қилинган⁴.

Л.Дмитриева, К.Мусаев, А.Жаримбетов каби олимлар томонидан туркий тиллар доирасида шифобахш фитонимлар (қисқ.: ШФ) тадқиқи муҳим аҳамиятга молик⁵. Шунингдек, алоҳида туркий тиллар бўйича ҳам махсус тадқиқотлар амалга оширилган. Масалан, козоқ, туркман, бошқирд, татар, озарбайжон, қирғиз ва қорақалпоқ тилларида ⁶ ШФ махсус ўрганилганлигини кузатдик.

³ Quattrocchi U., CRC World Dictionary of Plant Names. Common Names, Scientific Names, Eponyms, Synonyms, and Etymology, CRC Press, 1999, 640 p.; Urs Egli et Leonard E. Newton, Etymological Dictionary of Succulent Plant Names, Springer Science & Business Media, 2013, 266 p.; David Gledhill, The Names of Plants, Cambr. University Press, 2008, 426 p. Барышникова Т.Д. Структурно-семантические и мотивационные свойства флоронимов в английском и французском языках. Волгоград, 1999.; Булах Е.А. Мотивационные основания обыденных наименований растений (на материале английского, немецкого и французского языков). – Пятигорск, 2001. – С.16. Гафарова К.Т. Сопоставительный анализ фразеологических единиц с зоонимами и фитонимами в таджикском, немецком и русском языках. – Душанбе, 2007.; Цой Т.В. Лексико-семантическая и словообразовательная структура фитонимов в современном русском языке, 1994; Хазбулатов Б.А. Фитонимы в чеченском языке: Синхронно-диахронический анализ. Грозный, 2004. – С.380; Заксор Л.Ж. Способы номинации растений в нанайском языке. С.-П., 2005. – С.189; Галаева Л.Х. Фитонимическая лексика в ингушском языке. Магас, 2006. – С.147; Исаев Ю.Н. Фитонимическая картина мира в разноструктурных языках. Чебоксары, 2016. – С.413.

⁴ De Foucault, B. es plantes et leurs noms: essai de phytonymie structurale. Dissertationes botanicae, Vol.201. J. Cramer, 1993. 64 p; Vilayceck E. Les noms de plantes en créole martiniquais: à la recherche de modèles. Th. de doct. en Ling. UAG, 1993, 547 p.; De Colombel V. Comparaison des noms et usages de six cents plantes dans les groupes tchadiques des monts du mandara (Cameroun) synchronie dynamique et diachronie linguistique et ethnolinguistique. Th. de doct. en Ling. Paris-V, 2000, 474 p.; Dominguez A. Histoires des noms des plantes: le Jardin médicinal d'Antoine Mizauld. Th. de doct. en Lettres, UGA, 2020, 168 p.; Signorini C. La motivation sémantique dans la création lexicale: les phytonymes de l'arc alpin. Th. de doct. en Sciences du langage: UGA: 2005, 161 p.; Chabrier J.-Y. Plantes médicinales et formes d'utilisation en phytothérapie. Th. de doct en Pharmacie: Nancy: 2010, 172 p.; Le Moigne R. Les plantes de Bretagne : étude de leurs noms vernaculaires dans quelques langues de l'Europe de l'ouest. Th. de doct en Etudes celtiques: Université Rennes 2: 1993, 165 p.

⁵ Дмитриева Л.В. 1) Словообразование и некоторые семантические модели названий, относящихся к анатомии растений в тюркских языках. Л., Наука, 1972. – С. 152.; 2) Некоторые итоги изучения названий растений в тюркских языках сопоставительно с другими языками алтайской семьи (однолексемные названия). 1975. – С.13; Мусаев К.М. Лексика тюркских языков в сравнительном освещении. М., 1975. – С.158; Жаримбетов А. Тюркские лексические элементы в русской номенклатуре растений. Нукус, 1980.

⁶ Калиев Б. Қазақ тіліндегі өсімдік атаулары. Алматы, 1988; – С.42; Назарова Г. Названия лекарственных растений в современном уйгурском языке. АКД. Алма-Ата, 1992. -24 с.; Саберова Г.Г. Названия растений в

Ўзбек тилида ШЎ терминологияси ҳақида баъзи маълумотлар Х.Джамалханов, Т.Нугманов, А.Курбанов, Ю.Ишонқулов, Г.Неъматова, Н.Пазлитдинова, М.Хошимхўжаева ва Б.Мирсановнинг⁷ ишларида кўзга ташланади ва албатта, юқорида номлари келтириб ўтилган тилшуносларнинг хизматлари алоҳида аҳамият касб этади.

Тиббиёт ва табиатшунослик билан боғлиқ илмий изланишлар замида француз ва ўзбек тилшунослигида ШЎ атамаларининг лингвомаданий ва лингвокогнитив йўналишда икки тил мисолида қиёслаб ўрганиш мумкинлигини исботлайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Бухоро давлат университетининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни ўрганишни янада ривожлантиришнинг афзалликлари” мавзуидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади француз ва ўзбек тилларида шифобахш ўсимликлар терминологиясининг лингвомаданий ва лингвокогнитив хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

татарском литературном языке. Дисс. ... канд. фил. наук. Казань, 1995, – 186 с.; Хайрутдинова Т.Х. Народные названия растений в татарском языке. Казань, 2004. – С.222; Ахметова Э.Р. Названия овощей и фруктов в татарском языке. АКД., Казань, 2012.–С.30; Мирзаханова Д.Б. Фитонимическая лексика азербайджанского языка (в сравнении с другими тюркскими языками). АКД, Махачкала, 2007. –С.21; Исмаилова Ж.Б. Кыргыз жана турк тилинде мөмө-жемиш аталыштары. АКД, Бишкек, 2012. -25 с.; Каримхожаев Ш. Вопросы изучения терминов земледелия в каракалпакском языке: АКД. –Т., 1970. – С.25; Бекниязов Қ. 1) Қорақалпоқ тилидаги мева ва полиз номлари. НДА. Нукус, 2006; 2) Қарақалпақ тилиндеги мийўе ҳам палыз атамалары. Неқис, 2010.

⁷ Джамалханов Х. Из истории формирования и развития узбекской ботанической терминологии. АКД. Т., 1968; Нугманов Т. Термины бахчеводства в узбекском языке. АКД. Т., 1971; Курбанов А. Термины зерновых культур и зернового хозяйства узбекского языка. АКД. Т., 1975; Ишонқулов Ю. Опыт историко-этимологического анализа названий плодов в узбекском языке. АКД. Т., 1977; Неъматова Г. Ўзбек тилида ўсимлик номлари лексемалари: тизими ва бадиий қўлланилиши. НДА. Т., 1998; Пазлитдинова Н. Ўзбек тили фитонимларининг лексик-семантик хусусиятлари. Филол. фан. фалс. док. (PhD)... дис. автореф. Фарғона, 2018; Хошимхўжаева М. Оламнинг лисоний тасвирида фитонимлар (инглиз, рус ва ўзбек тиллари мисолида). Филол. фан. фалс. док. (PhD)... дис. автореф. Т., 2019; Мирсанов Б. Ўзбек тили терминологиясида иккиламчи номлашлар ва уларнинг мотивлашуви (ўзбек тили зоонимлари ва фитонимлари мисолида). Филол. фан. фалс. док. (PhD)... дис. автореф. Самарқанд, 2019.

- француз ва ўзбек халқлари тарихий-маданий ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бўлган ШЎ номларининг лингвомаданий ва лингвокогнитив миллий ўзига хослигини аниқлаш;

- француз ва ўзбек тилларида шифобахш ўсимликлар илмий номланишининг мотивацион аспектда фарқли ва ўхшаш жиҳатларини таҳлил қилиш;

- ШЎ номларининг турли лисоний бирликлар, фразеологик чатишмалар, идиома, фраземалар ва нутқий ҳосилаларда ифодаланишининг морфосинтактик хусусиятларини далиллаш;

- француз ва ўзбек халқлари кадриятларида ШЎ номларининг ёндош лисоний бирликлар билан ифодаланишини ҳамда функционал-семантик категория билан уйғунлашувини асослаш;

- лингвомаданий ва лингвокогнитив кўламда қиёсланаётган тиллар кесимида ШЎ номларини луғавий-семантик таҳлил қилиш, махсус семантик гуруҳларга ажратиб тавсифлаш;

- мотивацион-номинатив таҳлилнинг асосий йўналишларидан келиб чиқиб, шифонемаларни янгича тизимга солиш ва ўзбекча-французча-лотинча луғатини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида француз ва ўзбек халқларининг лингвомаданий қатлами, турли терминологик луғатлар, илмий журналлар, тарихий, бадиий ва фольклор манбалар танланган.

Тадқиқотнинг предмети француз ва ўзбек тилларида ШЎ номларининг мотивацион-номинатив майдонини ташкил қилувчи лисоний бирликларнинг лексик-семантик, лингвомаданий хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Ишнинг моҳиятини аниқлашда тизимлаштириш, синтезлаш, мотивацион-номинатив, лексик-семантик ва тарихий-маданий таҳлил усулларида, когнитив тилшуносликда қўлланиладиган қиёсий-типологик методлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

француз ва ўзбек тиллари ШЎ терминосистемасининг лингвокультурологик, коммуникатив-когнитив хусусиятлари, функционал-концептуал белгиларини чоғиштириш орқали тиббий терминологик бирликларнинг тил лексик тизими ва соҳавий терминосистемаларда намоён бўладиган универсал ва дифференциал жиҳатларини кўрсатувчи чегаралари аниқланган;

ноқардош тиллар доирасида ШЎ атамалари концептосфераси терминологик, семасиологик, фразеологик бирликлар доирасида ифодаланишининг луғавий, лингвомаданий, лингвокогнитив жиҳатлари умумлаштирилган, уларнинг структур-семантик, қиёсий-типологик хусусиятлари синтезлаш ва компаратив методлари асосида далилланган;

француз ва ўзбек халқлари миллий қадриятларининг когнитив ва лисоний тафаккур хусусиятларини инобатга олувчи лингвокультурологик таҳлил ва дифференциациялаш асосида ШЎ номлари иккала тил дискурси жараёнида воқеланадиган терминологиянинг ёндош, полисемик, омоним лисоний бирликлар билан ифодаланиши ҳамда шу йўсинда функционал-семантик категория билан уйғунлашуви исботланган;

лингвотерминологик, лингвофитонимик мотивацион-номинатив таҳлилнинг асосий йўналишларидан келиб чиқиб, фитоним, флороним қаторида лингвистик тизимга “фармакофитоним” ва “шифонема” терминларини тиббий-луғавий атама сифатида илмий муомалага киритиш омиллари асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқотда эришилган илмий янгиликлар тиббиёт соҳаси тармоқларида оммалаштирилган ва ўзбекча-французча-лотинча шифонема луғати яратилган;

лингвомаданий ва лингвокогнитив кўламда илк маротаба шифобахш ўсимлик номларининг луғавий-семантик хусусиятлари ёритиб берилган;

француз ва ўзбек қиёсий тилларидаги шифобахш ўсимликлар терминологияси тизимга солинган;

шифобахш ўсимликлар илмий номланишининг мотивацион аспектда муштарак ва дифференциал белгиларига ойдинлик киритилган;

шифобахш ўсимлик номлари турли лисоний бирликлар, фразеологик чатишмалар, идиома, фраземалар ва нутқий ҳосилалар таркибида анализ ва синтез қилинган;

француз ва ўзбек халқларининг тарихий-маданий ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бўлган шифобахш ўсимлик номларининг миллий ўзига хосликлари аниқлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги чиқарилган хулосаларнинг тизимлаштириш, синтезлаш, таснифлаш, статистик, концептуал, мотивацион-номинатив таҳлил каби усуллар билан асосланганлиги, муаммонинг аниқ қўйилгани, француз ва ўзбек тилшунослигида шифобахш ўсимлик номлари хос специфик белгиларни далиллашда илмий-бадиий манбаларга таянилгани, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тилшуносликнинг энг долзарб, серқирра йўналиши – терминологияда французча ва ўзбекча шифобахш ўсимликлар терминосистемасини тизимлаш ҳамда тавсифлаш, миллий-маданий хусусиятларини ёритиш, антропоцентрик парадигма доирасида ўрганиш жараёнида илмий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти французча-ўзбекча шифобахш терминосистеманинг лингвомаданий хусусиятларига комплекс ёндашиш, когнитив таҳлил қилиш орқали олинган хулосалардан “Тилшуносликка кириш”, “Лексикология”, “Семантика ва сўз тузилиши”, “Амалий грамматика”, “Таржима назарияси ва амалиёти”, “Цитология”, “Ботаника”, “Микробиология” каби фанлардан ўқув қўлланма ва дарсликлар яратишда, ўзбекча-французча-лотинча шифобахш ўсимликлар

терминологиясининг луғатини тузишда, изоҳли ва энциклопедик луғатларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Француз ва ўзбек тиллари шифобахш ўсимликлар терминосистемасининг лингвомаданий ва лингвокогнитив хусусиятларини тадқиқ қилиш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

табиат ва иқлимга хос дунё манзарасидаги лисоний бирликларнинг француз тилидан ўзбек тилига ўгирилишида, француз ва ўзбек халқларининг лингвомаданий қатлами, мавзу доирасидаги илмий-назарий манбалар, қиёсий терминологик луғатлар, журналлар, тарихий, бадий ва фольклор манбаларда кузатилган шифобахш ўсимликларга оид терминларнинг от, сифат, сон ва феъл билан келиши ва ўзига хос хусусиятлар, шифобахш терминларига дахлдор метафора, фразеологизмлар ва уларнинг лисоний бирликлар ёрдамида қўлланиши билан боғлиқ илмий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган ФАФ1-005 “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” (2017 – 2020 й.й.) мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳани бажаришда фойдаланилган. Натижада мазкур луғатни яратиш жараёнида табиатдаги шифобахш ўсимликлар терминологиясининг миллий-маданий ва лингвокогнитив хусусиятлари, терминларнинг француз ва ўзбек тилларидаги муштараклик ва ўзига хосликларини ўрганиш имкониятлари кенгайган;

терминология, лексикология, терминография, лексикография, термин, атама, категория, концепт, фрейм каби лисоний бирликлар хусусиятлари моҳиятини белгиловчи кўрсаткичлар таҳлилига дахлдор хулосалар, таклиф ва тавсияларидан Бухоро давлат университетида Европа Комиссиясининг Эрасмус+дастури доирасида амалга оширилаётган “BioEcUz – Ўзбекистонда барқарор биоиктисодиёт бўйича янги магистратура дастурлари” лойиҳаси доирасида 8 та махсус курс бўйича хорижий ҳамкорлар томонидан тақдим этилган инглиз ва француз тилидаги материалларнинг ўзбек тилига

Ўгирилишида, тарғибот материаллари ишлаб чиқишда, биологик хилма-хиллик, озиқ-овқат хавфсизлиги, биологик озуқа сифатида шифобахш ўсимлик мавусига оид лексемаларда шифобахш ўсимлик терминологиясининг шаклланишида фойдаланилган. Натижада соҳа терминларининг тизимлаштирилиши, лексикографик изоҳларининг такомилли, ўзлашма ва байналминал терминларнинг миллий тилларда барқарорлашув механизмларини таъминлашга эришилган;

французча-ўзбекча шифобахш ўсимликлар терминологиясининг миллий-маданий ҳамда лингвокогнитив жиҳатларини намоён этишда оммавий ахборот тизими ва халқ орасида оммалашган луғавий-семантик, лексик-стилистик, шунингдек, икки халқнинг тарихий маданий ривожланиши билан боғлиқ бўлган шифобахш ўсимлик номларининг миллий руҳ ва маданий ўзига хослик билан уйғунлигига доир хулосалардан Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг “Ассалом, Бухоро”, “Саккизинчи мўъжиза”, “Адабий муҳит”, “Жаҳон тамаддуни дурдоналари”, “Асрларнинг асраганлари” теледастурларида эфирга узатилган кўрсатувлар, шунингдек, “Мулоқот ва мунозара”, “Қадриятлар қадим бешиги” радиоэшиттиришлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган. Натижада ушбу телекўрсатувлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукамаллаштирилиб, илмий далилларга бой бўлишига, кўрсатувнинг илмий-оммабоплигини таъминлашга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 6 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, жумладан, 1 та луғат, 1 та ўқув кўлланма, 1 та илмий рисола ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, шулардан, 5 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация 143 саҳифадан иборат бўлиб, кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан ташкил топган.

**MAZKUR DISSERTATSIYA BILAN TO'LIQ TANISHMOQCHI
BO'LSANGIZ MUALLIFGA MUROJAAT QILISHINGIZ TAVSIYA
BERILADI!**

**BOBOKALONOV ODILSHOH OSTONOVICH
BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI
XORIJIY TILLAR FAKULTETI
FRANSUZ FILOLOGIYASI KAFEDRASI MUDIRI
FILOLOGIYA FANLARI BO'YICHA FALSAFA DOKTORI (PhD)**

Murojaat uchun

Telegram: @OdilshohOstonovich

Elektron pochta manzillari:

o.o.bobokalonov@buxdu.uz

odilchoh@yahoo.fr



Scan me!